



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИГИГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХОС ЖИХАТЛАРИ

Р.Б.Игамбердиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Қорақалпоқ
академик лицейи директори, подполковник;

Т.Х.Курамбаев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Киберхуқуқ
кафедраси бошлиғи, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент,
подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18607983>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05- fevral 2026 yil
Ma'qullandi: 08- fevral 2026 yil
Nashr qilindi: 11- fevral 2026 yil

KEY WORDS

Инсон ҳуқуқлари тизимида
болалар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш энг устувор
йўналишлардан биридир.

ABSTRACT

Мақолада вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда юзага келаётган, илгари кам тадқиқ этилган муаммолар таҳлил қилинади. Хусусан, ушбу турдаги жиноятларнинг латентлик даражасининг юқорилиги, вояга етмаган жабрланувчи кўрсатувларининг ишончлилик даражасини баҳолашдаги мураккабликлар, суд-психологик экспертизасининг аҳамияти ва шу каби муаммолар тадқиқ этилган.

Инсон ҳуқуқлари тизимида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг устувор йўналишлардан биридир. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши жиноятлар нафақат жисмоний жароҳат етказди, балки жабрланувчининг руҳиятида умрбод муҳрланиб қолувчи оғир жароҳатларни (травма) қолдиради. Бундай жиноятларни тергов қилиш алоҳида ёндашувни, юқори профессионализмни ва психологик билимларни талаб этади [1].

Вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118, 119, 121, 128 ва 129-моддаларида назарда тутилган қилмишлар тушунилади [2].

Назарий жиҳатдан терговнинг асосий объекти иккитадир:

1. Жиноятнинг юз берганлиги фактини исботлаш.
2. Жабрланувчининг ёши ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унинг қайта виктимизация (қайта жабрланиш) ҳолатига тушишининг олдини олиш [3].

Тергов қилишнинг амалий ва криминалистик муаммолари

Ҳозирги тергов амалиётида асосан қуйидаги тизимли муаммолар кузатилмоқда:

Латентлик даражасининг юқорилиги: Кўпинча бундай жиноятлар яқин қариндошлар ёки танишлар томонидан содир этилади. Бу эса, оилавий сир сифатида яширилади [4].

Далиллар базасининг заифлиги: Жиноятлар одатда гувоҳларсиз, холи жойларда содир этилади. Асосий далил фақат жабрланувчининг кўрсатмаси, тегишли судга оид экспертиза хулосалари бўлиши мумкин.

Психологик тўсиқлар: Болалар қўрқув, уят ёки жиноятчининг таҳдиди остида ҳақиқатни яширишга мойил бўлади [5].

Тергов ҳаракатларининг такрорийлиги: Жабрланувчини бир неча бор сўроқ қилиш унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Тергов жараёнида “*Болага дўстона одил судлов*” тамойилларини қўллаш муҳим. Бунда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Сўроқ қилиш тактикаси

Вояга етмаганни сўроқ қилишда вақт чекловларига амал қилиш ва албатта педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш шарт [6]. Сўроқ махсус жиҳозланган, бола ўзини қулай ҳис қиладиган “Интервью хоналари”да ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Экспертизалар тайинлаш

Фақат суд-тиббий экспертизаси билан чекланмай, албатта *комплекс суд-психологик ва психиатрик экспертизаси* тайинланиши лозим. Бу жабрланувчининг воқеаларни тўғри идрок қилиш ва ифодалаб бериш қобилиятини аниқлашга ёрдам беради [7].

Бугунги кундаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ундаги тизимли муаммолар ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган қўйидаги асосий таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

1. “Ягона сўроқ” тизимини жорий этиш: Жабрланувчи болани такрорий сўроқ қилишдан воз кечиш ва видеотасвирни судда далил сифатида тан олиш механизминини мустаҳкамлаш.

2. Махсус тергов гуруҳлари: Бундай тоифадаги ишларни тергов қилиш учун психология соҳасида қўшимча малакага эга мутахассислардан иборат ихтисослашган бўлинмаларни ташкил этиш [8].

3. Криминалистик методикани янгилаш: Рақамли муҳитда (ижтимоий тармоқлар орқали) содир этилаётган жинсий тегажонлик (кибербуллинг) каби жиноят турларини аниқлаш бўйича методикани ишлаб чиқиш.

4. Процессуал вакиллик: Болалар ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган адвокатлар иштирокини таъминлаш.

Хулоса

Вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятларни тергов қилиш – бу шунчаки айбдорнинг шахсини аниқлаш эмас, балки келажак авлоднинг руҳий саломатлигини сақлаб қолишдир. Юқоридаги таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши тергов сифатини ошириш билан бир қаторда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда бола ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида тўла ва ишончли ҳимоя қилиш механизмларини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёева С.Ш. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. – Т.: “Адолат”, 2022.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: “Юридик адабиётлар”, 2024.
3. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. – Т.: “Complex Print”, 2021.
4. Аҳмедова М.А. Криминалистика: Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2020.

5. Исмоилов И. ва бошқалар. Криминология: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: "Адолат", 2024.
7. Ғиёсов З.А. Суд экспертизаси асослари. – Т.: "Фан", 2019.
8. International Standards on Child-Friendly Justice. Council of Europe Guidelines. – Strasbourg, 2010.

